

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

АКРАМБОЕВ РАСУЛЖОН АДАШОВИЧ

**СОУС-ПАСТА ШАКЛИДАГИ МЕВА ЯРИМФАБРИКАТИ ТАЙЁРЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Акрамбоев Расулжон Адашович Соус-паста шаклидаги мева яримфабрикати тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш.	3
Акрамбоев Расулжон Адашович Совершенствование технологии приготовления полуфабрикатов вида фруктовых соус-паст	21
Akramboev Rasuljon Adashovich Improving the technology for the preparation of semi-finished fruits pasta sauce.	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.	42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

АКРАМБОЕВ РАСУЛЖОН АДАШОВИЧ

**СОУС-ПАСТА ШАКЛИДАГИ МЕВА ЯРИМФАБРИКАТИ ТАЙЁРЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.4.PhD/Т1907 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (ik-kimyo.nuu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Додаев Қўчқор Одилович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдурахимов Саидакбар Абдурахманович
техника фанлари доктори, профессор

Қурбанов Жамшид Мажидович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17; e-mail: tcti_info@edu.uz.) Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўч., 32. Тел.: (99871) 244-79-20.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги № ___ рақамли реестр баённомаси).

С.М. Туробжонов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.И. Қодиров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.д., доцент

Ҳ.С.Нурмухамедов
Илмий даражалар берувчи илмий
Кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунё миқёсида мева-сабзавот етиштириш, аҳолини табиий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг асосий тармоғи бўлиб, уларни йиғиш, сақлаш, чуқур қайта ишлаш, яримфабрикатлар олиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Аҳолини озиқавий қиммати юқори бўлган сифатли тайёр ва яримтайёр маҳсулотлар билан таъминлаш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда мева-сабзавотлардан турли маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмол даражасини овқатланиш рациона талаблари даражасига олиб чиқиш долзарб муаммодир. Бу борада юқори сифатли, озиқавий ва биологик қимматини сақловчи маҳсулотлар тайёрлаш, табиий хомашёларни қайта ишлашда тежамкор инновацион технологиялар яратиш ҳамда умумий овқатланиш корхоналарини яримтайёр маҳсулотлар билан таъминлашни ривожлантириш бўйича жадал равишда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда озиқ-овқат саноати корхоналарини модернизация қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар турлари ва ҳажмини кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик ва сабзавотчилик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлашни ривожлантириш бўйича маълум натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «саноатни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хомашё манбаларини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада республикада етиштирилаётган мева-сабзавотларни истеъмол меъёрлари физиологик талабларга мос келувчи тайёр ва яримтайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун янги ва такомиллаштирилган технологиялар яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги ПҚ-4239 сон “Мева сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалик кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406 сон “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, жумладан мева ва сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш, уларни истеъмол меъёрларини талаб даражасига етказиш ҳамда турли яримфабрикатлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2017 йил 6 апрелдаги ПФ-4891 сон «Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш тўғрисида»ги қарорлари ва фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишини устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш ва умумий овқатланиш корхоналари учун соус яримфабрикатлар ишлаб чиқиш технологиялари бўйича E.R. Rarillag, B. Lignot, E.E.Milda, M.I. Беляев, B.C.Баранов, Г.М.Постнова, А.И.Черевко, P.П.Уистлер, Н.Р. Успенская, Т.С. Габерман, Э.Ф.Пашел, Е.С. Добрынина, Д.И.Лобанов, Н.И. Ковалев С.Ю. Глебова, А.Ж.Тошев, Ш.Н.Атаханов, Н.Ш.Кулиев, Қ.О. Додаев ва бошқалар илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган.

Улар томонидан мевалардан пюрелар, жемлар, шарбатлар, салқин ичимликлар, концентратлар ва соуслар ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилган, уларнинг органолептик, физик-кимёвий, микробиологик хоссалари баҳоланган ҳамда ишлаб чиқариш шароитидаги структуравий-механик хусусиятлари тадқиқ этилган.

Шу билан бирга мева асосли тайёр ва яримтайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, функционал хусусиятларини ошириш, хомашёни биологик ва озиқавий қимматини тўла сақлаб, турли қўшимчалар билан бойитиш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш йўналишида илмий ишлар олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-қурилиш институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ресурс тежамкор, экологик хавфсиз, озиқавий қиммати юқори маҳсулотлар технологиясини ишлаб чиқиш» ва БВ-А-ҚХ 2018-424 сон «Умумий овқатланиш корхоналари учун мева ва сабзавот хомашёсидан соус яримфабрикатлари технологиясини ишлаб чиқиш» (2018-2019 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади функционал вазифани бажарувчи янги турдаги мевали соус-паста яримфабрикатлари рецептураси ва тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

табiiй компонентларга бой мева-резаворли соус-паста яримфабрикатлари таркибини шакллантириш;

мева-резавор хомашёси ва соусларининг микробиологик, структуравий-механик, адгезион, физик-кимёвий ва органолептик хоссаларини тадқиқ этиш;

канд, куруқ сут, тухум ва жўхори кукуни қўшиб мева-резавор пюрелари асосида олинган яримфабрикат ва тайёр маҳсулотлар хоссалари мажмуасини яратиш;

мевали соус-дрессинг яримфабрикатлари рецептураси ва тайёрлашнинг такомиллаштирилган технологиясини ишлаб чиқиш;

мевали функционал соус-паста ва яримфабрикатлари сифати ва озиқавий қимматларини тадқиқ этиш;

консерва саноати ва умумий овқатланиш корхоналари тизимида функционал вазифани бажарувчи соус-паста яримфабрикатлари олиш технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти маҳаллий шароитда етиштирилган мева ва резаворлар, улардан тайёрланган соус-паста яримфабрикатлари ва истеъмол учун соуслар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. Мева соус-пасталарининг табиий қўшимчалар асосида такомиллаштирилган рецептураси ва технологияси, яримфабрикатлар асосида олинган озикавий қиммати юқори бўлган сифатли, истеъмолга тайёр соуслар олишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида маҳсулотнинг органолептик кўрсаткичлари Е.Д. Тильгнер, оксил ва умумий углеводлар Лоури ва Дюбуа, липидлар Сокслет аппаратида экстракциялаш, С витамини йодаметрик, ОМФ ва микотоксинлар миқдори фотометрик, булардан ташқари физик-механик, технологик ва эксплуатацион хусусиятларини аниқлашда стандартлаштирилган синов услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мевали соус-паста яримфабрикатлари, функционал маҳсулот тайёрлашнинг илмий асосланган рецептлари ишлаб чиқилган;

тавсия этилган мевали соус-паста яримфабрикатларининг органолептик, физик-кимёвий, микробиологик, структуравий-механик ва реологик хоссалари аниқланган;

канд, куруқ сут, тухум ва жўхори кукуни қўшиб, мева-резавор пюрелари асосида олинган яримфабрикат ва тайёр маҳсулотлар хоссалари мажмуаси яратилган;

ўрик ва олхўрига NaCl эритмаси билан ишлов беришда полифенол ва каротиноидларнинг ўзгариши, қайта ишланган меваларга ҳарорат режимининг таъсири аниқланган;

турли озикавий қўшимчалардан фойдаланилганда маҳсулотлар таркибидаги полифинол моддалар ва каротиноидларнинг ўзгариши, диффузион масса ташишнинг вақт давомийлиги ва эритма концентрациясига боғлиқлиги аниқланган;

эзгилаш машинаси таъсирида полифенолларга кучли таъсир бўлишига қарамасдан, 30 мин давомида 10% концентрацияли NaCl билан ишлов берилиши мевалар полифенол комплексларига етарли барқарорлаштирувчи самара бериши аниқланган;

мева ва резаворлар асосида янги турдаги соус-паста яримфабрикатлари тайёрлашнинг такомиллаштирилган технологияси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

мева-резаворли соус-паста яримфабрикатлари ишлаб чиқариш линиясининг принципиал схемаси ишлаб чиқилган;

ўрик ва олхўри пюреси асосидаги соус-паста яримфабрикати рецептлар мажмуаси, жумладан асал, райҳон, ялпиз ва қизил қалампирли яримфабрикат таркиби ҳамда тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилган;

майдаланган олхўри меваларига NaCl билан ишлов бериш натижасида кўпроқ полифеноллар тутиши ва барқарорлашув самараси лейкоантоцианларга қаратилганлиги, катехин ва антоцианларни сақланувчанлиги ошиши исботланган;

соус-паста яримфабрикатлари ишлаб чиқариш бўйича техник шарт (Ts 16165217-02:2019) ва технологик йўриқнома (ТИ 16165217-02:2019 «Мева соус-паста яримфабрикатлари») ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлилда замонавий физик-кимёвий тадқиқот услублари қўлланилганлиги, регрессион тенгламаларнинг аниқлиги ва уларни ҳақиқий жараёни адекват тарзда ифодалаганлиги, соус-паста яримфабрикатлари рецептураси ва тайёрлаш технологияларини саноатга жорий қилиниши билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти мева-резаворли хом ашё компонентларининг соус-паста яримфабрикатлар системаларининг реологик хоссаларига таъсири, хомашёларнинг рационал миқдори, аҳоли истеъмоли ва умумий овқатланиш тармоғи учун янгиланган яримфабрикатлар мажмуасини тайёрлаш илмий асосининг яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти яримфабрикатларнинг органолептик ва физик-кимёвий хоссалари, микробиологик ҳолати ва озиқавий қиммати яхшилانган, истеъмолга тайёр соуслардан консерва саноати ҳамда умумий овқатланиш тармоғида фойдаланишни тавсия этишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мева соус-паста яримфабрикатлари тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

«Мева соус-паста яримфабрикатлари» ишлаб чиқаришга техник шарт (Ts 16165217-02:2019) ва технологик йўриқнома (ТЙ 16165217-02:2019) «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган. Натижада мева соус-паста яримфабрикатларини ишлаб чиқариш имконини берган;

мева соус-паста яримфабрикатлари рецептураси ва ишлаб чиқариш технологияси «Наманган шарбати» АЖда ишлаб чиқаришга жорий этилган («Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХК 2020 йилнинг 18 мартдаги АА/05-2-443-сонли маълумотномаси). Натижада озиқавий қиммати юқори бўлган мева соус-паста яримфабрикатлари ишлаб чиқариш ва ассортиментни кенгайтириш имконини берган;

мева соус-паста яримфабрикатлари тайёрлаш технологияси Учқўрғон туманидаги «Muhammadali Namkor Biznes» ОАЖ ва Наманган шаҳридаги «Туркистон» МЧЖда ишлаб чиқаришга жорий этилган («Ўзбекизоқовқат-холдинг» ХК 2020 йилнинг 18 мартдаги АА/05-2-443-сонли маълумотномаси). Натижада анъанавий технологияга нисбатан ишлаб чиқариш самарадорлигини 14 %, турдош ташкилотлар ва истеъмол бозорига етказиб беришни 22 %га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуман, жумладан, 8 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларни чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларида 5 та мақола, жумладан 3 та республика ва 2 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 113 бетдан иборат бўлиб, 20 та расм ва 36 та жадвални ўз ичига олади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Замонавий мева соус-пасталари яримфабрикатлари, тайёрлаш технологияси, ассортиментини**» деб номланган биринчи бобида соуслар, тури ва пазандачиликдаги ўрни, аҳамияти, бажарадиган вазифалари, органолептик хусусиятлари, озиқавий қиммати ҳамда бу кўрсаткичларга таъсир этувчи хомашё хоссалари ва технологик омиллар таҳлил қилинган. Соус тайёрлашда қўлланиладиган яримфабрикатларнинг таркибий қисми шакллантирилган.

Мева-резавор хомашёлари асосида функционал вазифани бажарувчи янги турдаги соус-паста яримфабрикатларини марказлашган ҳолда ишлаб чиқиш, улар асосида янги соуслар тайёрлаш технологияси ишлаб чиқишни ташкил этиш ва умумий овқатланиш корхоналари эҳтиёжини қондириш мақсадга мувофиқ. Юқорида ўрганилган маълумотлар асосида тадқиқот мақсад ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «**Экспериментал тадқиқот объекти, материал ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тажрибалар давомида ишлатилган материаллар ва уларга қўйиладиган стандарт талаблар, тадқиқот объектлари ҳамда тадқиқот жараёни давомида қўлланилган услублар таҳлил қилинган.


Диссертациянинг «**Олхўри ва ўрикнинг биологик фаол моддаларига технологик омилларнинг таъсири**» деб номланган учинчи бобида ош тузи билан ишлов берилганда олхўри ва ўрикни полифенол моддалар миқдорининг ўзгариши тажриба асосида ўрганилган. Олхўри меваларини 15 мин давомида 10%-ли натрий хлорид эритмасида сақлаганда сезиларли миқдорда хлор ионлари ўрнашиши аниқланган. Ўрик мевалари мембранаси хлорид ионларни тез ўтказди, шунинг учун 10 мин давомида 5% ли натрий хлорид билан ишлов бериш натижа берган.

Бу баҳолашларга миқдорий тус бериш учун берилган концентрация (С) да Cl^- -ионларининг меваларга ишлов бериш жараёнида бўладиган аналитик ўзгаришлари динамикасининг тавсифи келтирилган. Мевалардаги нотурғун

диффузиянинг ушбу шароитдаги ўлчашлар соҳавий масаласининг ечими концентрацияларнинг нисбий қиймати учун қуйидаги ифодани беради:

$$\frac{C}{C_0} = 1 - \frac{4}{D} \sum_{n=1}^{\infty} \frac{(-1)^n}{2n+1} \exp\left[-\frac{(2n+1)^2 D^2 D}{4l^2} \tau\right] \quad (1)$$

бунда, D - диффузия коэффициентини, l - мева бўлаги қалинлиги (1) формула бўйича ҳисоблаш натижалари 1-расмда тажриба натижаларига кўра келтирилган (ўрик ва олхўрилар учун бўлак қалинлиги 5 мм). Бунда назарий натижаларнинг А.А.Дубинина томонидан экспериментал йўл билан 8 мм қалинликдаги олма ва нок бўлақларида олинган маълумотлар билан солиштириш натижалари ҳам келтирилган.



1-расм. Меваларнинг хлор билан тўйиниши динамикаси.

1-расмнинг таҳлили шуни кўрсатдики, келтирилган меваларда хлорид-ионларнинг (20°C да) диффузия коэффициентини катталиги бир-бирига яқин келади: ўрикларда $D=1,2 \cdot 10^{-8}$, олхўрида $D=0,4 \cdot 10^{-9}$. Бу катталиклар турли меваларнинг хужайра мембраналари ўтказиш коэффициентини ҳақида миқдорий баҳо бериш имконини беради. (1) формула технологик жараён давомийлигини, майдалаш даражаси ва мева турига боғлиқлигини аниқлаш имконини беради.


1-жадвал

Ош тузи билан ишлов берилган мевалар таркибидаги полифеноллар миқдори

Намуналар	Намунадаги сақланган умумий полефеноллар	Полефенол фракцияси			
		Катехинлар	Антоцианлар	Лейкоантоцианлар	Флавоноллар
Ишлов берилмаган олхўри (назорат)	869,5	118	285	400	29,5
NaCl билан ишлов берилган олхўри	792,5	94,5	264	365	23
Ишлов берилмаган ўрик (назорат)	155,7	103		11,4	21,3
NaCl билан ишлов берилган ўрик	134,7	87,4		9,4	19,1

Ош тузи билан ишлов берилишининг таъсири бўйича тажрибалар натижаси 1-жадвалда келтирилган. Мева антоциан ва лейкоантоцианлари катехин ва флавонолларга қараганда натрий хлорид билан ишлов берилганда яхши сақланиши тасдиқланди.

Шуни таъкидлаш лозимки, NaCl билан ишлов берилган намуналарда полифенол моддаларнинг камайиши бу моддаларнинг тузилиши билан эмас, балки уларнинг натрий фенолят сифатида эритмага ўтиши билан ҳам изоҳланади (2-расм).



2-расм. Олхўри ва ўрик намуналарининг УБ-спектри.

Олхўри ва ўрикнинг ультрабинафша спектрларини таҳлил қилиб шуни таъкидлаш лозимки, NaCl билан берилган намуналар бир мунча камроқ фенол миқдорига эга, шунга кўра, 2-расмдаги 2- ва 4-эгри чизиқлар назорат намуна билан бир хилда бўлишига қарамасдан бироз пастроқ жойлашган.

Ўрик меваларига NaCl эритмаси билан ишлов берилганда умумий полифеноллар миқдори 13% га пасаяди, бу мазкур гуруҳнинг сув-тузли эритмаларда яхши эриши ҳамда ўсимлик тўқималаридаги фенол гуруҳларнинг бошқа полимерлар билан мустаҳкам бирикмалар ҳосил қилмаслиги билан боғлиқ. Агар полифеноллар асосан пўстда бўлиши ҳисобга олинандиган бўлса, 3-5% ли NaCl эритмаси қуйиладиган технологияларда тўқималар юзасидаги биологик фаол моддалар ювилиб кетиши эҳтимолдан холи эмас.


Меваларга NaCl билан ишлов берилганда каротиноидлар миқдорининг камайиши 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

NaCl билан ишлов берилган ўрикнинг каротиноид сақлаши

Каратиноидлар	Назоратдаги каратиноидлар, %
α-каротин	37,5
β-каротин	31,0
Фитоин	42,5
Фитофлюин	44,0
Лютеин	59,0

Энг кўп ўзгаришга каротинлар учрайди, сув - эритмали ишлов беришда каротиноидларнинг бир қисми экстракция ва осмос жараёнилари натижасида эритмага ўтади; уларнинг тузилишида ўзгарувчан қўшбоғ бўлиши туфайли оксидланиб, парчаланиш ҳам юз бериши мумкин. Ўрик меваларига NaCl билан ишлов беришдан олдин ва кейин каротинлар ҳосил қилган комплекслар ўрганилди. NaCl билан ишлов берилган ўрик каротиноид комплекслари спектрнинг кўринувчи соҳасида олинган ютилиш спектри билан мос тушади (3-расм). Намуналар (1- ва 2-эгри чизиклар) спиртли эритмаларга хос ютиш эгри чизиғига эга ва тиниқ каротин тутувчи маҳсулотларга ўхшаб 451 нм-да ва яна иккита максимум (478, 421 нм)га эга бўлади, бу меваларнинг провитамин фаолликга эга эканлигидан дарак беради.



1-назоратдаги ўрик; 2-NaCl билан ишлов берилган ўрик.

3-расм. Ўрик намунасини спиртли экстрактларининг кўриниш соҳасидаги NaCl билан ишлов беришгача ва ишлов беришдан кейинги ютилувчи спектрлари.

Олхўри ва ўрик меваларига NaCl билан ишлов беришнинг хулосалари: олхўри ва ўрик мевалари биологик фаол моддаларининг ўзгариши эритма концентрацияси ва мевалар табиатига боғлиқ.

3-жадвал


Майинлаштирилган олхўридаги полифенол моддалар миқдори

Намуналар	Полифенол-ларнинг умумий миқдори	Фракция, мг %			
		Катехинлар	Антоцианлар	Лейкоантоцианлар	Флавоноллар
Олхўри (назорат)	969,5	118	285	400	29,5
Олхўри эзғиланган	404,5	48	184,5	165	7,0
Олхўри эзғиланган, дастлабки ишлов берилгани	572,5	68,5	201	293	10

NaCl концентрациясининг 5 %дан ошмаслиги ўрик мевалари каротиноид комплексларининг бузилмаслигини таъминлайди ва полифенолларни кучли

ферментатив бузилишдан сақлайди; NaCl- нинг 5 %дан 10 %гача бўлган концентрацияси олхўриларнинг полифенол комплекси учун яхши стабилизатор бўлади, шу билан биргаликда каротиноидларнинг умумий миқдорини камайтиради; NaCl билан ишлов берилиши мевалар полифенол ва каротиноидлари сифат таркибига таъсир қилмайди. Эзгилашни меваларнинг биологик фаол моддаларига негатив таъсирини камайтириш йўллари қидириш технологик аҳамиятга эга. 3-жадвалда олхўрининг полифенол комплексига бу жараённинг таъсири бўйича маълумотлар келтирилган.

Эзгилаш жараёни олхўрининг полифенол комплексига кучли деструктив таъсир қилади. Экспериментларда полифенолларнинг умумий миқдори ҳам ашёдагига нисбатан 2,2 марта камайган, флавоноллар эса дастлабкига нисбатан 23,3%, лейкоантоцианлар 41,2%, антоцианлар 64,7% сақланиб қолган.



4-расм. Олхўри намуналарини УБ ютиш спектрлари.

4-расмда келтирилган ультрабинафша спектрли таҳлил натижаси бўйича олхўри намунаси эзгиланганда спиртли экстрактларда 280 нм -даги чўкки бутунлай йўқолади, бу чўкки фенолли бирикмалар-антоцианлар, катехинлар, флавоноидлар каби фенолли бирикмалар фракцияси ёруғликни ютиши ҳисобига юз беради. Чўкки факат 330 нм -да қолади ва оксикорица кислота ютишига тўғри келади. Бироқ, чўкки йўқолишига қарамадан, 1-эгри чизик назорат эгри чизиги бўлган 2-эгри чизикқа қараганда 3 марта катта экстенцияга эга бўлади. Айниқса кучли ютилиш қисқа тўлқинли диапазонда (240 нм), хинонлар абсорбциясининг максимумига жавоб берадиган ораликда кучли кузатилди.

Олхўри меваларининг майдаланган намуналарида турли гуруҳларнинг оксидланган шакллари йиғилади, биринчи навбатда модда таркибига кислород бириктириб олган хинон моддалардан иборат бўлиб, абсорбциянинг кескин ортишига олиб келади. Майдалаш жараёнида NaCl билан ишлов берилгандан кейин майдаланган олхўри меваси ишлов берилмаганга қараганда кўпроқ полифеноллар тутати (3-жадвал). Масалан, умумий миқдор 19,3%-га ошган бўлса, NaCl-ни барқарор қилиш самараси лейкоантоцианларга қаратилган

ишлов берилгандан сўнг уларнинг миқдори 293 мг%, ишлов берилмаганда 165,0 мг% бўлди. NaCl билан ишлов берилганда катехинларнинг сақланувчанлиги 58 % га, антоцианларники 70,5 % га ошди. Шундай қилиб, эзгилаш таъсирида полифенолларга кучли таъсир бўлишига қарамасдан, 30 мин давомида 10%-ли NaCl билан ишлов берилиши меваларнинг полифенол комплексларига етарли барқарорлаштирувчи самара бериши кўрсатилди.

Мева хомашёсини термик қайта ишлаш эркин радикал ҳосил бўлиш жараёнларини ривожланишига имкон беради, бунда оксидланиш реакциялари фаоллашади ва барча биологик фаол моддалар сезиларли деградацияга учрашига олиб келади. Иссиқликнинг олхўри ва ўрик мевалари полифенол ва каротиноид комплексларига таъсирини ўрганилди. Технологик амалиётдан маълумки, ўсимлик хом ашёсига термик ишлов беришда энг мақбул ҳарорат 80°C ни ташкил қилади, бир томондан, у оксидловчи ферментлар ва патоген микроорганизмларни инактивацияласа, иккинчи томондан ўсимлик хом ашёси таркибидаги кўпгина озиқавий моддаларни парчаламасдан сақланишини таъминлайди. Бу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, тадқиқотлар учун асосий ҳарорат 80 °C деб қабул қилинди. Меваларни қиздиришдан олдин NaCl билан ишлов берилганда бу бузувчи кучни 1,5 мартага камайтиради. Ўриклар каротиноид комплексларига ҳарорат билан таъсир этирилганда ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Эксперимент натижалари диссертацияда келтирилган.

Мевалардан соус-паста тайёрлашда озиқавий қўшимчалар қўшилади, асосий мақсад турли хусусиятлар - консистенцияни шакллантириш, озиқавий ва биологик қимматни ҳосил қилиш, таъм ва хушбўйликни шакллантириш, сақлашда барқарорликни оширишдан иборат.

Олхўри яримфабрикати асосида, асал ва ялпиз қўшилга мураббо ишлаб чиқаришда, унинг биологик фаол моддаларига озиқавий қўшимча сифатида таъсири ўрганилган. Хом ашёга нисбатан асалнинг 60%, ялпизнинг 2% миқдори мақсадга мувофиқ деб топилган. Тадқиқотлар NaCl билан ишловдан ўтган ва ўтмаган олхўри ярим бўлакларида ўтказилган.


Асал ва ялпизнинг эритмаси олхўри яримфабрикатида таъсир этганидаги меваларнинг полифенол комплексига салбий таъсири 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Асал ва ялпиз қўшилган олхўридаги полифенол моддалар миқдори

Намуналар	Умумий полифенол миқдори	Полифенол фракцияси, мг%			
		Катехинлар	Антоцианлар	Лейкоантоцианлар	Флавоноллар
Ишлов берилган олхўри (назорат)	792,5	94,5	264,0	365,0	23,0
Ялпиз қўшиб, NaCl билан ишлов берилган олхўри	578,0	69,5	199,0	289,0	20,5
Асал қўшиб, NaCl билан ишлов берилган олхўри	430,0	58,5	144,0	210,0	17,5
Ялпиз ва асал қўшиб ишлов берилган олхўри	474,5	60,0	185,5	215,0	14,0
Ялпиз ва асал қўшилган (NaCl билан ишлов берилмаган) олхўри	189,5	28	67	85,5	9,0

Полифеноллар миқдорининг камайиши (% ҳисобида: катехинлар 27, антоцианлар 25, лейкоантоцианлар 21 ва флавоноллар 11) ҳарорат таъсири ҳисобига. Бу хулосани спектрал эгри чизик (5-расмдаги, 3-эгри чизик) ҳам тасдиқлайди. Асал қўшилганда ҳароратнинг таъсирида полифенол моддаларнинг камайиши 46%-ни ташкил этди.



5-расм. Олхўри намуналарининг УБ спектрлари.

Олхўрини эзғилашда кашнич ва қизил қалампирнинг полифенолларга барқарорлаштирувчи таъсири тадқиқ этилди. Эзғилаш олдидан кашнич ва қизил қалампирнинг иссиқ эритмаси олхўри пюресига қўшилади, натижалар кашнич ва қизил қалампирнинг сезиларли барқарорлаштиришини кўрсатди. Хусусан, қизил қалампир умумий феноллар сақланишини 9,7% га оширса, кашнич 25,8% га оширади. Айниқса, кашнич ва қизил қалампирни биргаликда қўлланиши яхши барқарорлаштириш хусусиятини келтириб чиқаради ва барқарорлик 67,75% га ортади, (кангантин 1%), улар мураккаб озиқавий аралашмаларда антиоксидантлик вазифасини бажаради.

Қанд мева соусларида таъмни шакллантиради, пектин ва органик кислоталар билан биргаликда желе ҳосил қилишда қатнашади, консервант вазифасини бажаради, хушбўйлик ҳосил қилиб, меваларни сақланувчанлигида деструктив таъсирни оширади. Қандлар бошқа қўшимчалар билан биргаликда полифенолларга таъсир этади. Ўрик мевалари полифенол комплексига қуруқ сут, тухум кукуни, ўсимлик мойи таъсири ўрганилди.

Керакли консистенцияни ҳосил қилиш ва ўрик маҳсулоти шаклланишини тезлаштириш учун 5 % ли NaCl эритмаси билан 10 мин давомида ишлов берилгандан кейин сув билан ювилди ва қўшимчалар қушилади, аралаштириб турган ҳолда 80 °C гача қиздирилди. 20 % миқдорда қанд қўшилиши полифеноллар концентрациясининг 19,1 % пасайишига олиб келди, бу мазкур гуруҳ моддаларининг оксидланиб парчаланишини эмас, балки механик суюлишдан вужудга келган.

Маҳсулотда экстенциянинг пасайиши кузатилади ва у мазкур ҳолатда полифенолларнинг оксидланиб деградацияланишини инкор қилади.

Юпқа қатламли хроматография натижаларига кўра ўрикнинг полифенол бирикмалари таркиби турли синфга оид моддалардан иборат: катехинлар, флавоноллар, оксикорица кислоталари. Таъкидлаш керакки, озиқавий қўшимчалар ўрик полифенол комплекси сифат таркибини ёмонлаштирмайди. Шунингдек, ҳар бир тўлдиргич полифенолларнинг у ёки бу синфини барқарорлаштиради, уларнинг миқдорини ўз таркибидаги кимёвий ўзгаришлар орқали оширади.

Ўрик меваларини қайта ишлашда меваларнинг каротиноид комплексини сақлаш катта аҳамият касб этади. NaCl эритмаси билан ишлов берилганда каротинлар миқдои 35 %-га ошди. Ўрик мевалари ярим бўлакларини 3-5 % ли NaCl эритмасида тутиб турилганда осмос туфайли ишлов берилаётган массада бироз сувсизланиш юз беради. Каротиноидлар ўз кимёвий табиатига кўра сувда эримайдиган бирикмалар бўлиб, асосан пластидаларда, хромопротекторлар шаклида бўлади ёки мой кислоталари билан комплекслар ҳосил қилади, сув -тузли эритмаларга амалда ўтмайди.

Диссертациянинг **“Олхўри ва ўриқдан соус-паста тайёрлаш технологи-яси. Ишлаб чиқаришга қўллаш. Иқтисодий самарадорлиги”** деб номланган тўртчи бобда олхўридан аччиқ-хушбуй соус ишлаб чиқариш технологияси таклиф этилган. Озиқавий қўшимча сифатида янчилган кашнич, ялпиз, қизил қалампир ва туз ишлатилди. Қанд ўрнига 60 %-гача асал ишлатилади. Кашнич ўз таркибида 0,2-1,6 % эфир мойлари, 16-18 % мой кислоталари, алкалоидлар, пектин, крахмал, оксил моддалар, стеринлар, стероид бирикмалар, аскорбин кислота ва б. моддалар мавжуд. Қўлланилган барча озиқавий қўшимчалар ароматик мойлар туфайли ўзига хос хушбўйликка эга. Ҳосил қилинган хушбўйлик олхўрини эзгилаш ва иссиқлик ишлови беришда ҳам йўқолмайди. Эфир мойларини пюрета ушлаб турадиган компонент сифатида олхўридаги NaCl, пектин, органик кислоталар қатнашади. Маҳсулотда компонентларнинг нисбати органолептик кўрсаткичлар билан белгиланади.

Олхўридан аччиқ-хушбўй зиравор ишлаб чиқариш технологик схемаси келтирилган. Келтирилган схемага кўра, ювиш, инспекциядан кейин мева данаклари олиб ташланди, 10-15% ош тузи, 1-1,5% кашнич, 0,3-0,5% янчилган қизил қалампир тутувчи иссиқ эритма қуйилади, олхўри ва эритманинг нисбати 1:0,05 бўлади, аралашма эзгиланиб, иссиқ ҳолда қадоқланади, герметикланади, стерилизацияланади, совутилади.

Ўриқдан соуслар учун фарш ишлаб чиқариш технологиясида ўрикнинг юқори қатламлари зичлашиши учун 10-15 мин давомида ўрик меваларига 3-5%-ли натрий хлорид эритмасида ишлов берилади. Бу жараёнда натрий катионлари ва ўрик хужайра девори моддаларининг оксил моддалари иштирок этади. Ўриқдан фарш ишлаб чиқариш технологик схемаси ўз ичига қўйидаги жараёнларни олади: ювиш; инспекция; мева ўрни ва данакларни олиш; меваларни яримтадан қирқиш; тузнинг 3-5 %-ли эритмасини тайёрлаш; туз эритмасини қуйиш ва унда 10-15 мин ушлаб туриш; эритмани


қуйиб олиш; 4-5 мин узлуксиз ҳаракат давомида меваларни 4-5 мин ювиш; 20-25 мин давомида 160-179 °С да иссиқ ҳаво билан иссиқлик ишлови бериш; қурук сут, тухум кукуни ва қандни 8-10 %, 5-7 %, 18-20 % нисбатда қўшиш; қўшилган компонентларни элаш; 1-2 % ўсимлик мойи қўшиш; тайёрланган маҳсулотларга ўрик мевалари аралаштириш; қиздириш; қадоқлаш; стериллаш. Натижалар 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал


Ўрик фарши ишлаб чиқариш рецепти, хом ашё материал сарфи

Хомашё ва материаллар номи	Рецепт, кг/т	Чикит ва йўқотишлар, %		Хом ашё ва материаллар сарфи, кг/т
		Инспекциялаш, ювиш, кесиш	Аралаштириш, иссиқлик ишлови ва қадоқлаш	
Ўрик	675	17	5	865
Шакар	190	1	2	196
Қурук сут	60	1	2	62
Тухум кукуни	60	1	2	62
Ўсимлик мойи	15	1	2	15,5
3% NaCl эритмаси	-	-	-	800

6- ва 7-расмлардаги ультрабинафша спектрларни таҳлил қилиб таъкидлаш лозимки, анъанавий технология асосида тайёрланган олхўри мураббоси (1-эгри чизик) бошқа намуналардан яққол ажралиб туради. Олхўри мураббоси (2-эгри чизик) ва аччиқ-хушбўй зираворлар (3-эгри чизик) намуналари. Олхўри мураббоси (2-эгри чизик) сув-спиртли экстрактларда спектрлардаги 250 нм-да чўкки бутунлай йўқолади, бу фенол бирикмаларининг бир қатор фракцияларида ютилиш билан боғлиқ, чўкки фақат 280 нм-да сақланади, бу антоциан ва лейкоантоцианларнинг мавжудлиги билан боғлиқ.




6-расм. Олхўри мураббосида УВ-спектрли нурларнинг ютилиши.



7-расм. Аччиқ-хушбўй қайлада УВ спектрли нурларнинг ютилиши.

Шунингдек, ўрикдан қуруқ сут, тухум кукуни, ўсимлик мойи, шакар каби қўшимчалардан фойдаланиб, соуслар учун фарш ишлаб чиқариш технологияси таклиф этилган. Маҳсулотда қуруқ сут ва тухум кукуни оксил молекулалари, пектин билан ўрикнинг озикавий толалари, ўзига хос каркас ҳосил қилувчи, иссиқлик ишлови берилганда β -каротинни парчаловчи бирикма ҳосил қилади. Ўрикдан фарш ишлаб чиқариш технологик схемаси ўз ичига қўйидаги жараёнларни олади: ювиш; инспекция; мева ўрни ва данакларни олиш; меваларни яримтадан қирқиш; тузнинг 3-5%-ли эритмасини тайёрлаш; туз эритмасини қуйиш ва унда 10-15 мин ушлаб туриш; эритмани қуйиб олиш; 4-5 мин узлуксиз ҳаракат давомида меваларни 4-5 мин ювиш; 20-25 мин давомида 160-179°C да иссиқ ҳаво билан иссиқлик ишлови бериш; қуруқ сут, тухум кукуни ва қандни 8-10 %, 5-7 %, 18-20 % нисбатда қўшиш; қўшилган компонентларни элаш; 1-2 % ўсимлик мойи қўшиш; тайёрланган маҳсулотларга ўрик меваларини аралаштириш; қиздириш; кадоқлаш; стериллаш. Ўрик ва олхўри фаршининг кимёвий таркиби ҳамда сифат кўрсаткичлари таҳлил этилган.



1-хом ашё бункери; 2-ювиш ва ташиш машинаси; 3-чайиш машинаси; 4-мевага махсус ишлов бериш ваннаси; 5-майдалаш машинаси; 6-қисқа муддатли иссиқлик ишлови бериш аппарати; 7-вакуум-буғлатиш аппарати; 8-винтли насос; 9-крахмал ёки қуруқ сутни бўктириш ваннаси; 10-аралаштиргичли пишириш қозони; 11-сочилувчан ингредиентлар дозатори; 12-эзғилаш машинаси; 13-қадоқлаш ва герметиклаш машинаси; 24-автоклав.

8-расм. Ўрик ва олхўри соус-паста яримфабрикатлари тайёрлаш технологик схемаси.

ХУЛОСА

1. Ўрик ва олхўрига NaCl эритмаси билан ишлов беришда полифенол ва каротиноидларнинг ўзгариши, ҳарорат режимининг таъсири, танланган озикавий кўшимчалардан фойдаланилганда уларнинг таркибидаги полифенол ва каротиноид моддаларнинг ўзгариши, диффузион масса ташишининг вақт давомийлиги ва эритма концентрациясига боғлиқлиги аниқланди.

2. Мевали соус-паста яримфабрикатларининг керакли консистенциясини шаклланишига таъсир этувчи компонентлар, органолептик кўрсаткичларига таъсир этувчи қанд, туз, аччиқ қалампир, ялпиз, асалнинг мева-резавор пюрелари компонентларининг биргаликдаги ўзаро таъсирини тадқиқ этиб, яримтайёр ва тайёр маҳсулотнинг хоссалари мажмуаси тавсия этилди.

3. Мева-резавор хомашёси компонентлари ва соус массаларининг микробиологик, структуравий-механик, адгезион, физик-кимёвий ва органолептик хоссалари аниқланди.

4. Тавсия этилган барча кўшимчаларнинг меъёри экспериментал йўл билан аниқланган, эзғилаш олдидан иссиқ эритма ҳолида кўшилиши меваларнинг биологик фаол моддаларини, хусусан, полифенол ва каротиноидларини максимал миқдорда сақлаш имконини бериши аниқланди.

5. Мевали функционал соус-паста яримфабрикатлари сифати ва озикавий қиммати тадқиқ этилди, соус-дрессинг яримфабрикатлари рецептураси ва ишлаб чиқариш технологик жараёнлари кетма-кетлиги, такомиллаштирилган технологик схемаси таклиф этилди.

6. Консерва саноати ва умумий овқатланиш корхоналари тизимида мева-резавор соус-паста яримфабрикатларидан соуслар тайёрлаш ва қўллаш технологиясини шакллантириш, соус-паста яримфабрикатларини расмийлаштириш ва ишлаб чиқаришда қўллаш тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc03/30.12.2019.Т.04.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

НАМАНГАНСИЙ ИНЖЕНЕРНО-СТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ

АКРАМБОВЕВ РАСУЛЖОН АДАШОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПРИГОТОВЛЕНИЯ
ПОЛУФАБРИКАТОВ ВИДА ФРУКТОВЫХ СОУС-ПАСТ**

**02.00.17 - Технология и биотехнология обработки, хранения
и переработки сельскохозяйственных и пищевых продуктов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высший аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.4.PhD/T1907.

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-строительском институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета по адресу www.tkti.uz и информационно-просветительским портале «Ziyonet» www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:

Додаев Кучкор Одилович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Абдурахимов Саидакбар Абдурахманович
доктор технических наук, профессор

Курбанов Жамшид Мажидович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

Бухарский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится «__» _____ 2020 г. в «__» часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте. (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-20; факс: (+99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz).

Диссертация зарегистрирована в информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № __, с которым можно ознакомиться в ИРЦ (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-20).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 года.
(протокол рассылки № _____ от _____ 2020 года).

С.М. Турабджанов
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Х.И. Кадиров
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Х.С. Нурмухамедов
Председатель Научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Выработка плодов и овощей в мире является основной отраслью обеспечения населения этой продукцией. Имеет важное значение ведение научно-исследовательских работ по их сбору, хранению, глубокой переработке и получение полуфабрикатов. Обеспечение качественной готовой продукцией и полуфабрикатами, с высокой пищевой ценностью в короткое время является актуальной проблемой сегодняшнего дня.

Совершенствование переработки плодов и овощей и получение из них различной продукции, доведение уровня потребления на мировой уровень является насущной проблемой современности. В этом аспекте в широком масштабе ведутся исследования по созданию и внедрению на производство новых технологий, получению высококачественной продукции, сохранению в переработанной продукции первоначальной пищевой и биологической ценности сырья, экономии основного сырья, эффективному использованию натурального сырья и продукции, снижению себестоимости готовой продукции, а также развитию и расширению обеспечения сети общественного питания полуфабрикатами.

В последние годы в республике достигнуты успехи выращивании хранения и переработки садоводческих овощеводческих продуктов в сельском хозяйстве. В стратегиях действия дальнейшего развития поставлены задачи «поднятия на новый уровень развития промышленности, глубокая переработка сырьевых источников, интенсификация производства готовых продуктов, освоение новых технологий и продуктов»². На основе мероприятий, проведенных в этом направлении, достигнуты ощутимые результаты отраслей пищевой промышленности и общественного питания, в обеспечении полуфабрикатами и готовой продукцией, создании новых технологий. Хотя в республике выращиваются высококачественные, дешёвые, разнообразные плоды и овощи, норма их потребления не соответствует физиологическим требованиям. Является одним из насущных пролем современности разработка технологий, доведение показателей продукции до современных норм потребления.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в постановлениях и указах Президента Республики Узбекистан №ПП4239 от 14 марта 2019 года «О мероприятиях по развитию кооперации сельского хозяйства в плодоовощеводстве», № ПП4406 от 29 июля 2019 года «Глубокая переработка продукции сельского хозяйства, в том числе хранение и переработка плодов и овощей, доведение их потребительских норм до требуемого, наладка производства различных полуфабрикатов, дополнительные меры по дальнейшему развитию пищевого производства», а также задачи, намеченные выполнить в других нормативно-правовых документах.

²Указ Президента Республики Узбекистан № ПП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по развитию Республики Узбекистан».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. По технологии переработки плодов и овощей, производству полуфабрикатов соус-паст для предприятий общественного питания научно-исследовательскую деятельность вели Е.Р. Rarillag, В. Lignot, Е.Е. Milda, М.И. Беляев, В.С. Баранов, Г.М. Постнова, А.И. Черевко, Р.П. Уистлер, Н.Р. Успенская, Т.С. Габерман, Э.Ф. Пашел, Е.С. Добрынина, Д.И. Лобанов, Н.И. Ковалев С.Ю. Глебова, А.Ж. Тошев, Ш.Н. Атаханов, Н.Ш. Кулиев, Қ.О. Додаев.

Ими усовершенствованы технологии производства пюре, соков, концентратов и соусов на основе фруктов, исследованы и оценены органолептические, физико-химические, микробиологические, структурно-механические свойства соусов в условиях производства.

Вместе с тем, ведутся исследования в направлениях усовершенствования технологии производства полуфабрикатов и готовой продукции на основе фруктов и ягод, расширения их ассортимента, повышая функциональные свойства за счёт обогащения разлитыми добавками, наиболее полным сохранением биологической и пищевой ценности сырья.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.

